

Туркий дунё мукофотлари топширилди



Туркий давлатлар ташкилоти саммити якунида мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йўғилиш якунларига қисқача тўхталиб, унда жуда муҳим қарор ва келишувларга эришилганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шерикликни мустаҳкамлашда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған ҳамда Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг алоҳида ҳиссаси борлиги қайд этилди. Шу муносабат билан уларни Туркий дунёнинг олий ордени билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Режеп Таййип Эрдоған ва Гурбангули Бердимухамедовга бу мукофотларни Президент Шавкат Мирзиёев топширди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилган. Унинг илк соҳиби туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун буюк адиб ва жамоат арбоби, улуғ гуманист Чингиз Айтматов бўлди.

Бу мукофот Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга топширилди.

Режеп Таййип Эрдоған, Гурбангули Бердимухамедов ва Садир Жапаров мукофотлар учун миннатдорлик билдириб, Самарқанд саммити жуда самарали, халқларимиз учун манфаатли бўлганини таъкидлади.

TURKIY DAVLATLAR TASHKILOTI
HUKUMATLARI KENGASHINING YIG'ILISHI DOIRASIDA
HUKUMATLAR BILAN TAQDIRLASH MAROSIMI

Samarqand, 2022-yil 11-noyabr



AWARD CEREMONY
MEETING OF THE COUNCIL OF HEADS
OF THE ORGANIZATION OF TURKIC STATES

Samarkand, November 11, 2022



Манба